

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!

ЧИНОЗ ТУМАНИ: АЗИМ ДАРЁЛАРДАН СУВ ИЧГАН МАКОН



Юртимиздаги ҳар бир қарич ернинг ўз тарихи бор. Мамлакатимиздаги энг навиқирон, деб таъриф берилган жойнинг илдишларини ҳам камида минг йил наридани излаш лозим. Чиноз туманининг тарихи ўрта Осиёнинг қон томирларидан бири бўлган азим Чирчиқ дарёси билан тенг, десак муболаға қилмаймиз.



Вилоятимизнинг ғарби, Сирдарёнинг ўнг қирғоғида, ҳозирги Чиноз ва Нўғайқўрғон оралиғида, Чирчиқ бўйи-

даги баланд текисликда жойлашган Чиноз (Эски Тошкент) қадимий маскан ҳисобланади.

Учинчи аср араб географлари асарларида бу маскан "йирик, яхши мустаҳкамланган чиройли

тимлари - ёпиқ бозорлари бўлган" шаҳар сифатида қайд этилган. Қадимги Чоч давлатида

у катталиги жиҳатидан Бинкат ва Харашиқат (Қанқа)дан сўнг учинчи мавқени эгаллаган. Шаҳар харо-

балари Чирчиқ дарёсининг ўнг соҳилида, Тошкентдан 50 км. ғарбда Эски Тошкент номи билан сақланган. Ўтган аср бошиданок бу ер Шутуркет харобаси эканлиги аниқланган. Ривоятларга кўра, бу жой Чоч пойтахти ва қадимги баҳодир Тош қароргоҳи бўлган. Шаҳарнинг бунёд этилган аниқ вақти номаълум. Ҳозирги Шутуркет харобалари Чирчиқ суви юйиб кетиши оқибатида анча вайрон бўлган. Бу ердан кўплаб сирланган сопол идишлар, шиша буюмлар топишган. Шаҳарда ҳаёт мўғуллар истилоси натижасида барҳам топган, дейилади манбаларда.

Шу боис, Чинозни мамлакатимизнинг қадимий ҳудудларидан бири дейишга тўла асосимиз бор. У Янгийўл, Қуйчиқирчиқ, шунингдек, Сирдарё вилояти ва

Қозоғистон Республикаси билан чегарадош. Туман аҳолиси айти кунда 130 минг нафарга яқин. Туманда 51 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд.

Мустақиллигимизнинг 28 йиллигини шоду хуррамликда, муносиб меҳнат ютуқлари билан қаршилаётган Чиноз тумани аҳли бугун ўз азму шижоати билан юрт равнақиға хисса қўшишга интиломокда. Туман таниб бўлмас кўринишга келаётир. Бугун Чиноз ҳудудидан ўтган Тошкент - Термиз - Нукус йўлининг икки четидан амалга оширилаётган ишларга, ям-яшил далаларга қараб, илгари бу ерлар фақат пахта пайкалларида иборат бўлганлиги ёдингизга келиши аниқ. Бир сўз билан айтганда, аҳоли кайфиятига қараб, бу туманнинг эртаси янада нурафшон эканлигини ҳис этиш мумкин.

Бугун Чиноз ҳақида, ундаги ўзгаришлар, ҳуллас, туманга Ватан мустақиллиги берган имкониятлар ҳақида ҳикоя қиламиз.

4-саҳифага қаранг

Бунёдкорлик

Президентимизнинг 2016 йил 25 октябрдаги "Республика қурилиш материаллари саноатини бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қурилиш материаллари саноати тузилмасини янада ривожлантириш, тармоқ корхоналарини модернизация қилиш, замонавий корпоратив бошқарув усуллари жорий этиш билан бирга соҳага кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилиш ишларини янги босқичга олиб чиқди.

ИМКОНИАТЛАР ПАЛЛАСИ

Бунга Зангиота туманидаги қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Latif-Sers" масъулияти чекланган жамиятининг фаолияти мисол бўла олади. Корхона раҳбарияти тадбиркорларга яратилаётган ана шундай имкониятлардан самарали фойдаланиб, юқори кўрсаткичларга эришиб келмоқда.

Корхона 2003 йилда ташкил этилган бўлиб, бу ерда ҳар йили яқка тартибдаги уй-жойлар қурилишида зарур бўлган диаметри 100 мм.дан 300мм.гача бўлган хризотилцемент



350 шартли километр қувур ҳамда муфталар сингари зарур материаллар ишлаб чиқарилади.

Бугун мазкур корхона бренди остида тайёрланган маҳсулотлар нафақат ички бозорларимизда, балки хорижий истеъмолчилар орасида ҳам харидорғир. Бунинг ўзига хос сабаблари бор. Чунки, раҳбарият ўз йўналишидаги жаҳон саноат ишлаб чиқариши тажрибаларини кўплаб адабиётлар, интернет тармоқлари, халқаро кўргазма ва анжуманлардан ўрганиб, замонавий инновациялар билан жиҳозланган лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. Айти пайтда корхонанинг ишлаб чиқариш иншоотлари замон талабларига тўла жавоб берадиган ахборот ва рақамли технологиялар билан жиҳозланган. Корхона мувофиқлик ва экология сертификатларига эга бўлиб, бугунги кунда экологик тоза маҳсулотлар тайёрлинишига эришилмоқда.

Давоми 2-бетда ➡

Чиноз тумани

ҚИСКА САТРАЛДАРДА

ТУМАН ХУДУДИ - 340 км²
АҲОЛИСИ - 129 минг киши

- Туманда 51 та қишлоқ фуқаролар йиғини мавжуд.
- Туманда 5 та касб-хунар коллежи, 46 та умумий ўрта таълим мактаби, 25 та мактабгача таълим муассасаси фаолият юритида.
- Туманда 2 та шифохона, 8 та амбулатор, 4 та қишлоқ оилавий, 1 та кўп тармоқли поликлиника, 3 та ҚВП аҳолига малакали тиб-

- бий хизмат кўрсатмоқда.
- Жорий йилда намунавий лойиҳалар асосида 28 та уй, аҳолининг барча қатламлари учун 200 та арзон уй-жойлар қуриллапти.
- Бу йил туманда 6 минг 800 гектар ерда пахта парвариш қилинмоқда.
- 7 минг 600 гектар ғалладан (ўтган йилга қараганда 15 фоизга кўп) юқори ҳосил олинди.

Шукух

Минбарда маҳалладорлар

Шу кунларда жойларда "Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!" шиори остида мамлакатимиз мустақиллигининг 28 йиллиғига бағишланган маданий-маърифий тадбирлар, учрашув ва мулоқотлар, турли танловлар бўлиб ўтмоқда.

Паркент тумани ҳокимлигида ташкил этилган навбатдаги тадбир "Ватанни мадҳ этаман!" деб номланди. Худуддаги маҳалла фуқаролар йиғинлари расмлари иштирокида бўлиб ўтган тадбир мушоира кечасига улашиб кетди. Унда иштирокчилар Ватанни, тинчлик-осойишталикни тараннум этувчи шеърлардан ўқишди.

Вилоятдаги корхона, ташкилот, ўқув муассасаларида Республикаимиз мустақиллигининг 28 йиллиғига бағишланган тадбирлар давом этмоқда.

Юлдузхон ФАЗЛИДИНОВА

Қишлоқ мулкдорлари

Айни пайтда фермер, деҳқон хўжаликлари ва шахсий томорқа эгалари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Қишлоқ мулкдорлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши кўп тармоқли фермер хўжаликлари кўпайишига замин яратмоқда. Ўз навбатида, дала меҳнат-

асаларичилик ва бошқа сердаромад фаолият турлари билан машғул бўлиб келмоқдамиз, - дейди Юқоричирчиқ туманининг "Прогресс агро бизнес" кўп тар-



ерда 2 та замонавий бугдой ўрувчи комбайн, ўнлаб тракторлар, культиватор ва юк ташувчи транспорт воситаларини кўриш мумкин. Бундай моддий-техника базаси ёрдамида кўп тармоқли фермер хўжалиги

ҲАРАКАТИ ЗЎРНИНГ ДАРОМАДИ МЎЛ

қашлари етиштирилаётган ва қайта ишланаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми ва турларини кўпайтиришмоқда, аҳолига хизмат кўрсатиш корхоналари очиб, ижтимоий инфраструктуранинг яхшиланишига хисса қўшишмоқда.

- Биз кўп йиллардан буён пахтачилик, ғаллачилик, чорвачилик,

моқли фермер хўжалиги раҳбари Тўлқин Жўраев. - Серкирра фаолиятимиз натижасиз қолмаётир. Фақатгина ўтган йилнинг ўзида соф даромадимиз 486 млн. сўмни ташкил этди. Пешона тери билан ишлаб топилган маблаг эвазига мева ва сабзавотларни етиштириш ва қайта ишлаш ҳажмини янада оширдик,

замонавий ошхона, маиший техника тузатиш устaxonасини очдик. Хўжалигимизда жами 45 киши иш билан таъминланган. Фермер бизни машинасига ўтказиб, экин майдонлари ва ишлаб чиқариш корхоналарига олиб борди. Механизациялашган транспорт паркига бориб, ажойиб ҳолатнинг гувоҳи бўлдик. Бу

талайгина корхоналар, ташкилотлар, фермер ва деҳқон хўжаликлари сифатли транспорт ва таъмирлаш хизматларини кўрсатиб келмоқда. Туман аҳолиси билан қилган суҳбатимиз давомида "Прогресс агро бизнес" кўп тармоқли фермер хўжалиги қошида фаолият юритаётган қандолатчилик цехида тайёрланаёт-

ган нон маҳсулотлари юқори сифатлилиги билан кўшни ҳудудларга ҳам овоза бўлганини эшитдик.

Шуни айтиш жоизки, бу йилги мавсумда кўп тармоқли фермер хўжалиги 62 центнердан ғалла йиғиштириб олди. Ундан бўшаган ерларда картошка, пиёз, маккажўхори ва дуккаклилар етиштирилмоқда. Ён-атрофда жойлашган 45 гектар майдонга фермер пахтанинг ҳосилдор саналган "Равнақ" навини эккан. Кузда қишлоқ мулкдори ҳар бир гектардан 40 центнердан қимматбаҳо хом ашё йиғиштириб олиш ниятида.

Олинган даромад ёш фермерларни, оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва мактаб, кутубхона ҳамда маҳаллалардаги ички йўлларни таъмирлаш каби хайрли ишларга йўналтирилади.

Ҳамидулла ЎБАЙДУЛЛАЕВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири

– Юртимизда тадбиркорлик субъектлари эмин-эркин фаолият юритишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган бўлиб, қонуний ҳуқуқ ва манфаатларимиз доимий эътиборда, – дейди масъулияти чекланган жамият директори ўринбосари Абдусоҳиб Дадабоев. – Шу боис, корхонамизда ишлаб чиқариш суръатларини йилдан-йилга ошириб бормоқдамиз. Жумладан, 2016 йилда 5 миллиард 605 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланган бўлса, ўтган йилга келиб, бу кўрсаткич 7 миллиард 151 миллион сўмга етказилди. Умуман олганда, 2016-2018 йиллар давомида 19 миллиард 515 миллион 600 минг сўмлик маҳсулотимиз ўз истеъмолчиларига етказиб берилди. Корхонамизда нафақат бозор талабларига хос бўлган маҳсулот тайёрлаш, балки доимий равишда уларнинг сифати ва ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини пасайтириш, ишчи-ҳодимларнинг меҳнат шaroитларини яхшилаш, ускуналарни модернизация қилиш борасида ҳам самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Корхона истеъмол бозоридидаги ўрнини мустаҳкамлаш учун, аввало, рақобатта ҳаво берадиган ва сифатли маҳсулот тайёрлаш учун ҳамкорлар билан узвий алоқаларни ўрнатиб, ҳозирги кунга келиб, юздан ортиқ

бизнес субъектлари, хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ривожланиш дастури, "Суvsos" давлат унитар корхонаси, "Ўзбектелеком" акционерлик компанияси, "Ўзбекэнергия", "Maxam-Chirchiq", "Erieli" ПУ, "Enter Engineering" PTE хорижий, "Discover invest" масъулияти чекланган жамияти ва яна кўплаб йирик корхоналар билан самарали ҳамкорлик қилиб кел-

ларда ўтказиб келинаётган саноат ярмаркаларида ўз маҳсулотлари билан қатнашиб, янги ҳамкорлар топиш ва улар билан доимий савдо алоқаларини йўлга қўйиш имкониятига эга бўлмоқда. Натижада, кейинги уч йил давомида умумий қиймати 663 минг АҚШ доллари миқдоридидаги тайёр маҳсулот қўшни Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон республикаларига

турларини янгилаб бориш ва экологик хавфсизлигини таъминлаш, таннархни пасайтириш ва маҳаллийлаштириш даражасини орттириш йўналишида катта изланиш ва тажрибалар ўтказилди. Натижада, янги композит материаллардан ишлаб чиқарилган қувурлар технологияси яратилди ва бу иxtирога Ўзбекистон Республикаси Мулк агентлигининг "Қувур маҳсулот-

овқат ва махсус кийим-бош билан ҳам таъминланган. Корхонанинг бундай ютуқ ва муваффақиятларга эришишида узоқ йиллардан бери самарали меҳнат қилиб келаётган бригадирлар К. Ибрагимов, С. Ахроров Б. Тақаси-ров, А. Отамуродов ва ишчилардан А. Саҳобиддинов, Ш. Муҳамедовларнинг алоҳида хизматлари бор.

Корхонанинг бир гуруҳ ҳодимлари доимий равишда тажриба алмашиш, саноат соҳасидаги инновацион технология ва ускуналар билан танишиш мақсадида Россия, Хитой, Франция, Италия, Туркия каби кўплаб ривожланган давлатларда ўтказиладиган халқаро кўргазмаларда иштирок этиб, улардаги илғор тажрибалар билан танишиб келишмоқда. Инженер ва техник ҳодимлар "Ўзстандарт" агентлиги томонидан ўтказилган тренинглар ҳамда Халқаро бизнес ассоциацияси – АМВТ нинг Хитойдаги бизнес саммитида муваффақиятли иштирок этиб, ўз билим ва тажрибаларини орттириб қайтдилар.

Шунингдек, олий таълим муассасалари ва касб-хунар коллежлари билан тузилган ҳамкорлик шартномаларига мувофиқ, талаба-ёшлар амалиётларини корхонада ўташлари учун барча шароитлар яратиб берилган.

Юлдузхон МУХИДДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири



моқда.

Маълумки, кейинги йилларда мамлакатимиз экспорт салоҳиятини изчил ошириш ва ундан тўлиқ фойдаланиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини кучайтириш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ушбу омиллардан унумли фойдаланган мазкур корхона нафақат республикамизда, балки хорижий давлат-

экспорт қилинди.

Ўтган йили корхона томонидан диаметри катта қувурларга бўлган талаб даражасини ўрганиш бўйича маркетинг тадқиқотлари олиб борилди. Натижалар чуқур таҳлил этилиб, мутахассислар томонидан маҳсулотлар турини кенгайтириш мақсадида катта диаметрли қувурларни ишлаб чиқариш лойиҳаси устида амалий ишлар бошлаб юборилди.

Бунинг учун Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкнинг Тошкент вилояти бўлими томонидан ажратилган 612 минг АҚШ доллари миқдоридидаги кредит маблағи эвзига замонавий технологик ускуналар келтирилиб, янги маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилмоқда.

Кейинги йилларда раҳбарият томонидан мунтазам равишда маҳсулот

ларини тайёрлаш учун композиция" патенти олиншига эришилди. Хозирги кунга келиб, ушбу маҳсулот стандартлари "Ўзстандарт" агентлигида рўйхатдан ўтказилиб, уни ишлаб чиқаришга йўналтириш жараёни давом этмоқда.

Айтиш мумкинки, корхонанинг юқори натижаларга эришишида кадрлар билими, салоҳияти муҳим ўрин тутди. Раҳбарият бу масалага эътиборли. Дастлаб бир неча киши билан ўз фаолиятини бошлаган корхона бугунга келиб ишчи-ҳодимларнинг сонини 85 нафарга етказди. Уларнинг меҳнатини кадрлаш, ижтимоий ғимоясини таъминлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ишчилар ўрта ҳисобда 1 миллион 500 минг сўм миқдоридида маош олишмоқда. Бундан ташқари, улар иссиқ

ҚИММАТ, АММО, НАРХИГА ЯРАША

Яқинда Паркент туманида "Kinder Star" хусусий мактабгача таълим муассасаси давлат шерикчилик асосида фаолият бошлади.

□ Мактабгача таълим

Муассаса 125 нафар бола-га мўлжалланган. Айни пайтда бу ерга 40 бола қатнамоқда. Машғулотлар ўзбек, рус ва инглиз тилларида олиб борилади. Кичиктойларнинг соғлиғини янада мустаҳкамлаш мақсадида бадиий гимнастика, футбол, шахмат-шашка, сузиш каби тўғараклар ташкил этилган.



– Боғчамизнинг очилиши маҳалла аҳлини жуда қувонтирди, – дейди муассаса раҳбари Шаҳодат Тожибоева. – Чунки, бу ҳудудда бор йўғи биттагина мактабгача таълим муассасаси мавжуд эди. Шу сабабдан ота-оналар фарзандини боғчага жойлаштиришда катта қийинчиликларга дуч келарди. Тўғри, мазкур мактабгача таълим муассасамиз давлат боғчаларига нисбатан қиммат. Ҳамма ота-онанинг ҳам қўрби етмаслиги мумкин. Лекин, хизматимиз ҳам шунга яраша. Боғчамиз барча зарур жиҳозлар билан таъминланган. Қолаверса, шинам ошхоналарда кичиктойлар учун 4 маҳал иссиқ овқат тайёрланади. Педагоглар ҳар бир бола билан алоҳида иш олиб боради. Асосийси ҳар бир ота-она болаларга қандай муносабатда бўлаётганимизни телеграмм каналимиз орқали кузатиб боради.

– Дастлаб фарзандимни давлат боғчасига жойлаштирмоқчи бўлдим, – дейди Моҳигул Тошматова. – Маҳалламиздаги боғчага борсам, мудираси ҳозир жой йўқлигини, туманимиздаги давлат хизматлари марказидан йўлланма олиб келишимни ва шунга биноан навбатим келсагина қабул қилишини айтиди. Давлат хизматлари марказига борсам, ҳозир боғчага йўлланма берилмаётган экан. Хуллас, давлат боғчасига боламни жойлаштираман, деб она сутим озғимга келди. Лекин натижа бўлмади. Яхшиям шу хусусий боғчалар очилиб, жонимизга оро кирди.

Дарвоқе, бу йилнинг ўзида ҳудудда 2 та хусусий мактабгача таълим муассасаси иш бошлади. Бундай муассасаларнинг борлиги боғча ёшдаги болаларни янада кўпроқ қамраб олинишига замин яратмоқда.

Ўз мухбиримиз

Қуйида биз сўз юритмоқчи бўлган навбатдаги объект – "Халқ банки"нинг Нурафшон шаҳридаги идораси қурилишидан.

Бионинг ўзи ҳали битмагану, бироқ салобати "битган". Банк идорасининг қурилиши бўлаётган масканга яқинлашган сари ҳайбати ортиб бораверди.

Техника хавфсизлиги боис қурилиш майдонининг атрофи ўралган. Иш қизигандан қизиган пайт: бош муҳандиснинг биринчи ўринбосари Руслан Таджимуратов ҳамда участка раҳбари Толиб Шарипов қурилишга оид ненингдир муҳока-масида.

Салом-алиқдан сўнг Руслан ака қурилиш объекти, қурилиш жараёнлари ҳақида ҳам бафуржа сўз юритди:

– Банк идораси асли 6 қаватлик бино, – дейди у. – Бионинг олтинчи қавати техник зал бўлиши учун асосий банк операциялари биринчи беш қаватда амалга оширилади.

"Elit Master" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан барпо этилаётган иншоот лойиҳасининг муаллифлари "Energy building consulting" архитекторларидир. 150 дан ортиқ қурилиш ишларига алоқадор мутахассислар – қурувчию кран бошқарувчиси, сувоқчию муҳандисларнинг бошлаган ишлари якунига етиш арафасида. Ҳозирда бино фасади пардозлаш ишлари бажарилапти. Анвар Ходжиниязов раҳбарлигидаги "Elit Master"

Расмий маълумотларга қараганда, бугунги кунда мамлакатимизда ногиронлиги бор шахслар 780 мингдан ошади. Норасмий манбаларга кўра эса, ушбу кўрсаткич бундан анча баланд.

Хўш, бугун уларга етарлича эътибор қаратилаяптими? Умуман олганда, ногиронлиги бор шахсларни айни пайтда нималар ўйлантираяпти ва уларни нималар қийнамоқда?

Мазкур саволларга жавоб излаганда, ногиронлиги бор шахслар ҳам ёмон яшамаяпти, улар ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий жиҳатдан тўла-тўқис қўллаб-қувватланапти, деган хулосага келишимиз мумкин. Лекин...

Хабарингиз бор, 2017 йил 1 декабрь санасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ногиронлиги бор шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Унда ногиронлик белгиси бўйича камситишга йўл қўймаслик, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўйбага чиқаришда тенг шароитлар ва уларни бузганлик учун жавобгарлиқнинг муқаррарлигини таъминлаш, ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги умумэтироф этилган халқаро норма ва стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш, ногиронлиги бўлган шахсларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш даражаси ва сифатини юқори технологияли ихтисослашган тиббий ва ижтимоий ёрдамдан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш орқали ошириш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг оиласи, жамият ва давлат билан ўзаро алоқасини кучайтириш, уларнинг шахар йўловчи транспорт, ижтимоий ва бошқа инфратузилма объектларидан эркин фойдаланиши учун зарур шароитлар яратиш каби муҳим вазифалар белгилаб берилган.

масъулияти чекланган жамияти тасарруфидида 6 та огир техникалар: 2 та кран, 1 та экскаватор ва 3 та цемент ташувчидан бионинг ўз вақ-

Нурафшон: БУНЁДКОРЛИКНИНГ ЯНГИ МАНЗИЛИ

Вилоятимиз маъмурий маркази – Нурафшон шаҳри аллақачон улкан бунёдкорликнинг янги манзилига айланиб улгурган. Навқирон шахарларимизга борсангиз, замонавий кўринишда қад ростлаётган иншоотларга ҳар қадамда дуч келасиз. Бунёдкорликнинг янги манзилидаги ҳар бир қурилиш объектидан бири биридан ажойиб репортажлар, лавҳалар тайёрлаш мумкин.

□ Репортаж

тида буюртмачиларга топширилиши учун ҳар қачонгидан дарт ортиқ фойдаланаяпти.

– Бионинг фасадидаги ойнаванд қисми, шу жумладан, барча дераза ойналари ҳам бошқача, – дейди сўзини давом эттириб Руслан ака. – Гап шундаки, тўқ қора тусдаги ойнадан ёзда иссиқ, қишда совуқ ҳаво бино ичига кирмайди ва бунинг акси – ёзда салқин, қишда илиқ ҳаво ташқарига чиқмайди.

Бир сўз билан айтганда, бино ичида мўътадил ҳаво ҳарорати бир маромда сақланади. Албатта, бунинг замирида банкда ишловчи ҳодимларга



ва банк мижозларига қулай шароит яратиш мақсади ту-рибди.

Бионинг бунёд бўлиши учун нимаки зарур бўлса, у гишти, цементни, темир ё бетон маҳсулотими – барчаси мамлакатимиздаги корхоналардан олиб келинган. – Ҳар куни соат олтида қурувчилар уйқудан уйғонса, ҳеч эринмай бажарадиган бир ишим бор, – дейди участка бошлиғи Толиб Шари-

пов. – У ҳам бўлса, 150 дан ортиқ ишчи бўлса, ҳар бири билан техника хавфсизлиги қоидалари хусусида суҳбатлашишдир. Ҳар не бўлган тақ-

дирда ҳам, инсон саломатлиги, унинг ҳаёти ҳамма нарсадан устундир.

Юқорида қайд этилганидек, бино қурилишида асосий эътибор ундан фойдаланувчиларга қулайлик яратишга қаратилган. Бу ҳақда сўз очилганда, албатта, бино ичида мўътадил ҳаво ҳароратини сақловчи фанкойл тизими алоҳида ургу бериш керак. Боиси, замонавий бу тизим ўрнатилган иншоотлар нафа-



Мамлакатимизда фақат ўн битта нодавлат ва нотижорат ташкилотига давлат томонидан моддий ёрдам олади. Афсуски, улар ичида Ногиронлар жамияти йўқ.

Мисол учун, давлат томонидан мод-

анжуманни ташкил этишда БМТ ҳомилий қилди. Фақат Соғлиқни сақлаш вазирлиги мазкур тадбирнинг ташкилий масалаларига қисман ёрдам берди.

Хуллас, шу тадбирда 12 та давлатдан 12 та меҳмон иштирок этди. Улар ҳам ногиронлиги бор шахслар. Улар бизнинг иш фаолиятимиз билан роса қизиқишди. Идорамизни бориб кўришни хоҳлашди. Афсуски, уларга биномиз йўқлигини айтишга уялдик. Ташкилотимизда битта-ю битта "Damas" русумли автомашина бор, холос.

Ногиронлиги бор шахсларнинг ҳуқуқларини ғимоя қиладиган ташкилотнинг аҳоли шундай бўлгач, ногиронларнинг ҳақ-ҳуқуқлари тўлақонли таъ-

минланаяпти, деб айта оламизми? Шу ўринда аччиқ бўлса-да бир ҳақиқатни айтиб ўтай. Бизнинг 80 фоиз вақтимиз жамиятга ҳомий қидириш, пул тушириш билан ўтади. Бунда биз мамлакатимиздаги ногиронларнинг муаммосини қачон ўргана-миз? Қачон уларга ўзлари истагандек ёрдам бера оламиз?

– Сергели туманида ногиронлиги бор шахсларга атаб, 60 та уй-жой қурилди, – дейди Ўзбекистон ногиронлар ассоциацияси раиси ўринбосари Фарҳод АБДУРАҲМОНОВ. – Шу уйлари жамоатчилик назорати ёрдамида мониторинг қилдик. Афсуски, ўрганишлар шуни кўрсатдики, мазкур уйлар ногиронлар талабига жавоб бермайди. Ишонасизми, ногиронлар

шу уйлarning ҳатто, лифтидан ҳам фойдалана олмайд. Чунки, унга ногиронлар аравачасида киришни иложи йўқ.

Мазкур вазиятга қурувчи ташкилотдан изоҳ сўраганимизда улар пинағини ҳам бузмай: "Бу уйлар аввал бошида ногиронлар учун қурилмаган эди. Фармондан сўнг бу уйлари сиз қабилабга беришга мажбур бўлдик", дейишди.

Мамлакатимиздаги меъёрий ҳужжатларга кўра, барча бинолар, кўприklar, йўллар ногиронлар учун мослаштирилиши белгиланган. Лекин, амалиётда ҳаммиса ҳам бундай эмас. Мисол учун, ногиронлиги бор шахслар давлат томонидан нафақа олиши учун ҳар йили тиббий текширувдан ўтиши

шарт. Ўзи ногирон, қўлтиқаёқда ёки аравачада юрса-ю, ногиронлигини исботлаши керак бўлса? Мана шу тиббий текширувдан ўтказадиган ва ордер берадиган биноларнинг бирортаси ногиронлар учун мослашмаганига нима дейсиз? Аксарияти иккинчи ёки тўртинчи қаватда жойлашган.

Хартугул, охириги йилларда қурилаган кўприklarга ногиронлар учун махсус лифтлар ўрнатилаяпти. Умуман олганда, ногиронлар учун ҳали қилиниши керак бўлган ишлар талайгина. Назаримизда, ногиронлиги бор шахсларнинг ҳаётида ҳам бугунги ислохотлар шабадаси эсиши керак.

Ғулломжон МИРАҲМЕДОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири

Биз Қўқонга борамиз!

Шу йилнинг сентябрь ойида Қўқон шаҳрида бўлиб ўтадиган халқаро ҳунармандчилик фестивалига аъёнаний каштачилик йўлида меҳнат қилаётган қўли гул опа-сингилларимиз ўзгача бир иштиёқ билан тардуд қўришаяпти. Бекободлик Мавлуда Андаева ҳам қалб кўрини нозик безакларга бахшида этиб келаётган моҳир каштачилардан.

БАРМОҚЛАРИ СЕҲРЛИ, ЎЗ ИШИГА МЕҲРЛИ

Қарийб 15 йилдан буён шу соҳада меҳнат қилиб келаётган ҳунарманд устози Салима Қўчимовадан ўрганган каштачилик сирларини эндиликда зукко шоғирдларига сингдириб бораётганлиги ҳар жиҳатдан эътиборли.

Устоз-шоғирд аъёналарига содиқ қолиб, нозик дид билан безакларга жило бераётган ва айни бир пайтда кўлаб шоғирдлар меҳрини қозонаётган Мавлуда Андаева тиниб-тинчимас, беором қалб соҳибасидир.

Ҳунарманд кўлаб халқаро кўргазмалар ва танловлар иштирокчиси. У 2012 ва 2013 йилларда Туркияда, 2015 йилда эса Жанубий Кореяда бўлиб ўтган халқаро кўргазмада муносиб қатнашди. Маҳсулотлари хорижликларда катта қизиқиш уйғотган. Бундан ташқари, Мавлуда Андаева бир неча маротаба шахар, вилоят ва республика кўрик-танловларида фаол иштирок этиб, турли хил номинацияларда ғолибликни қўлга киритди, диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

– Қўқонда бўлиб ўтадиган халқаро ҳунармандлар фестивалида қатнашиш биз учун шарофидир, – дейди Мавлуда Андаева. – Ана шу санага қадар кўпроқ маҳсулотлар тайёрласам, дейман. Энг яхши маҳсулотларимиз намуналаридан меҳмонларга улашмоқчимиз. Мақсадимиз бирга ишлайдиган ҳамкорлар топиш, улар билан алоқаларни йўлга қўйишдан иборат.

Дарвоқе, ҳозир Мавлуда опанинг ўттиздан ортиқ шоғирдлари бор.

Ашурали БОЙМУРОДОВ

ПОКЛИК ВА ҲАЛОЛЛИК САБОҒИ

Одамларнинг эмин-эркин ҳаёт кечириши, бахту саодати кўп жиҳатдан қонун устуворлиги таъминланганлигига боғлиқ бўлади. Шу боис мамлакатимизда одил судловни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришга катта эътибор қаратилмоқда.

□ Давра суҳбати

Муқаддас китобларимизда ҳам қози қонун йўлидан оғишмаслиги, ҳамisha тўғри ва адолатга суяниши лозимлиги уқтирилган. Қабул қилинаётган қарор инсон тақдирини, унинг моли ва жонига тааллуқли экан, қозининг шиори тўғрилиқ ва адолат бўлмоғи шарт.

Яқинда вилоятимиздаги жиноят ва фуқаролик ишлари, иқтисодий, маъмурий судлари ҳамда барча туман, шаҳар, туманлараро судлар раислари, судьялари ва ходимлари, шунингдек, Судьялар олий кенгаши вакиллари иштирокидаги давра суҳбатида шу ҳақда сўз борди.

"Судья ва суд ходимлари ўртасида коррупция ҳолатларининг олдини олиш" мавзусида ўтказилган тадбир пойтахтимиздаги "Мезон" анжуманлар саройида ташкил этилди. Уни жиноят ишлари бўйича вилоят судининг раиси кириш сўзи билан очар экан, судьялик вазифасига тайинланган ҳар қандай шахс, аввало, ўзига ишониб топширилган ваколат масъулиятини тўла англаб етиши зарурлигини, унинг ҳар қандай ҳаракати қонунга асосланган ва адолатли бўлишида поклиги, ҳалоллиги муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Қонун ва адолатнинг қарор топиши жамият тинчлиги, осойишталигини таъминлашга хизмат қилишини ҳаётий ҳақиқатлар мисолида гапириб ўтди.

Давра суҳбатида Судьялар олий кенгаши аъзоси Шерзод Абдуқодиров вилоятдаги судларда йўл қўйилган айрим хато ва камчиликларни танқид қилар экан, келгусида бундай ҳолатларга йўл қўйиб бўлмаслигини ургўлади.

Судьялар олий кенгашининг бюртмасига асосан тайёрланган "Тавба-тазарру" видеофильми намойиш этилди. Фильм томоша қилинган, йиғилиш иштирокчиларининг фикр-мулоҳазалари тингланди. Жумладан, вилоят маъмурий суди судьяси Исматилла Маманов судья ва суд ходими ўзига юклатилган вазифани сидқиқилган, ҳалол ва виждонан бажариши, ўз нафсини жиловлаб олиши лозимлигини қайд этди.

Ботир ВАХОБОВ,
Жиноят ишлари бўйича
вилоят суди судьяси
катта ёрдамчиси

Партиялар □ ҳаётидан

Сўнгги йилларда соғлиқни сақлаш соҳасида тўпланиб қолган тизимли камчилик ва муаммолар фуқароларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни бажаришга тўқсинлик қилмоқда. Хусусан, таҳлиллар шунини кўрсатмоқдаки, болалар стоматологияси соҳасида ҳал қилиниши лозим бўлган бир қатор муаммолар ўз ечимини кутиб турибди. Негаки, мактаб ва ўсмир ёшидаги болалар бирор касалликка чалинганда уларнинг ўз вақтида даволанмаслиги ноҳуш оқибатларга олиб келиши мумкин.

□ Тақдимот

Ўртачирчик тумани ташкил этилгандан буён кўплаб инсонлар унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига муносиб ҳисса қўшганлар. Мана шундай улкан яратувчанлик ва бунёдкорлик ишларини амалга оши-

Бу ҳақда "Адолат" СДП вилоят кенгаши ташаббуси билан Куйичирчик туманидаги 33-мактабда "Биз – соғлом турмуш тарafdоримиз" мавзусида ўтказилган давра суҳбатида сўз борди. Унда депутатлар, партия фаоллари, туман халқ таълими

энг кенг тарқалган касалликлардан биридир. Бунга қарши кўплаб профилактика усуллари ишлаб чиқилганига қарамастан, охириги йилларда бутун дунёда аҳоли, айниқса, болалар ўртасида кариес билан зарарланиш ҳолатлари кўпаймоқда. Маълум


бўлими ва тиббиёт бирлашмасининг масъул ходимлари иштирок этишди.

Тадбирда сўз олганлар, ҳозирда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббий хизмат сифатини янада ошириш, айниқса, умумтаълим мактабларида ўқувчиларга кўрсатилаётган стоматологик ёрдам тизимини мустақамлаш борасида ечимини қутаётган муаммоларни бартараф этиш "Адолат" социал-демократик партиясининг муҳим дастурий вазифаларидан бири эканлигини таъкидлашди.

Маълумки, кариес ер юзидан

ган марҳум инсонлар хотирасини ёд этиш, бугун табарруқ ёшда бўлиб, умргузаронлик қилаётган кексаларни кадрлаш, уларга гамхўрлик кўрсатиш азалий қадриятларимиздан биридир.

НОМИНГИЗ ДИЛЛАРДА ЯШАЙДИ МАНГУ



Иккинчи жаҳон уруши жанг-гоҳларида қаҳрамонлик кўрсатиб ҳалок бўлган, фронт ортидаги жасоратли меҳнатлари билан ҳаётимизга файзу барак қиритган, қолаверса, халқ ҳўжалигининг барча тармоқларида самарали фаолият юритган ўртачирчикликларнинг ибратли ҳаёт йўллари ва меҳнат фаолиятлари акс эттирилган "Номингиз дилларда яшайди мангу" деб номланган хотира китоби нашрдан чиқди. Китобда икки юз йигирмадан зиёд ўртачирчик фарзандининг шонли ҳаёт йўллари акс эттирилган.

Яқинда Ўртачирчик тумани ва Нурафшон шаҳар ҳокимликлари ҳамда "Нуроний" жамғармаси ҳудудий бўлимлари билан ҳамкорликда хотира китобининг тақдими бўлиб ўтди. Тақдиримизда Ўртачирчик тумани ҳокими Олимжон Нурматов, Нурафшон шаҳар ҳокими Усмон Раҳимовлар сўзга чиқиб, ушбу хотира китобининг яратилиши, унинг туман маънавий ҳаётида ва ёшлар тарбиясидаги аҳамияти ҳақида фикр юритдилар.

Тадбирда йигирмадан зиёд монументал ҳайкалтарошлик асарлари муаллифи Илҳом Жабборов шу туманда туғилиб, воя-

га етгани, бу китобда отаси Жаббор Жамолов, онаси Рўзвонбу Жамолова ҳамда акаси, сеvimли болалар шоири, журналист ва муҳаррир Султон Жабборов тўғрисида ҳам маълумотлар берилганлигини фахр билан тилга олди.

Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир, сеvimли шоира Зулфия Мўминова, Республика Қорейс Миллий маданият маркази Нуронийлар Кенгаши раиси С. Қогай, "Нуроний" жамғармаси Республика Кенгаши ҳузуридаги "Нуроний ижодкорлар" гуруҳи раҳбари, шоира Гулчеҳра Қаримова ва бошқалар хотира китоби тарихдан сўзловчи ўзига ҳос манба бўлганини қайд этишди.

Китоб муаллифлари Жамбул Қурбонбеков, Анора Қаримова, Исматилла Нейматуллаев ҳамда китобни нашрга тайёрлашда яқиндан ёрдам кўрсатган меҳнат фахрийлари Солижон Тожиев, Зикрия Йўлдошев, Аҳмадали Сармонов, Жўра Аҳмедхўлов, Нўмонхон Тўлагановларга эсдалик совғалари топширилди.

Ўз мухбиримиз

Реклама ва эълонлар

"CAPITAL TRUST INVEST" МЧЖ
бошлангич нархи босқичма-босқич
ошиб бориш тартибида
ўтказиладиган очик аукцион
савдоларига таклиф этади!

Очик аукцион савдосига АТ "Халк Банки" Тошкент вилояти Зафар филиалининг 07.08.2019 йилдаги №09-01/117-сонли буюртманомасига асосан ўз тасарруфидан бўлган Тошкент вилояти, Бекобод тумани, "Янги ҳаёт" МФЙ ҳудудида жойлашган, умумий майдони 39,68 кв.м.дан иборат, бошлангич нархи – 22 803 000 сўм бўлган "Янги ҳаёт" МФЙ минибанки биноси қўйилмоқда.

Аукцион савдолари 2019 йил 16 сентябрь кунини соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истикбол кўчаси, 34-уй манзилида бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулк 2019 йил 16 сентябрь кунини сотилмаган тақдирда, тақририй савдолар 2019 йил 2 ва 17 октябрь кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулк билан тегишли Халқ банки филиали вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиши мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагини билдирган талабгорлар савдо ташкилотчиси

лик даражаси ўрганилганда, ҳудуддаги мавжуд 50 та умумтаълим мактабидан 7 тасида шундай хона мавжуд бўлсада, аксариятида жиҳозланиш ҳолати талаб даражасида эмаслиги аниқланди.

– Кариесдан сақланиш учун

фарзандларимизга соғлом турмуш тарзини болалиқдан ўргатишимиз, биринчи навбатда тиббий маданиятни шакллантиришимиз лозим, – дейди шифокор Гофур Турдубоев – Бу биргина тиббий маданиятни депутатлик гуруҳи томонидан умумтаълим мактабларининг стоматология хоналари билан таъминланган-

Семинарда болалар саломатлиги борасида олиб борилаётган ишлар муҳокама қилиниб, бажарилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

Ўз мухбиримиз

ОГУФУРУШНИНГ СЎНГГИ МАНЗИЛИ

Нафс балосига учраган тошкентлик 45 яшар Нодир Фахриддинов (исм-шарифлар ўзгартирилган) Ўзбекистонга халқ истеъмолчи молларини олиб кириш ниқоби остида бир неча йил давомида Тожикистон Республикасидан гиёҳванд модда-

□ Қилмиш – қидирмиш

Шу йилнинг 29 июль кунини ҳамтовоқлар кирдикори фош бўлди. Шериклар "Бекобод авто" назорат-ўтказиш пунктидан ўтаётганларида давлат Божхона қўмитасининг тезкор ходимлари томонидан тўхтатилган.

Бекобод шаҳрининг

марказий кўп тармоқли поликлиникасида рентген аппарати ёрдамида амалга оширилган текширув натижасида ноқобил эркакнинг ошқозонидан 12 та капсулага жойланган 110 грамм гиёҳванд (наша) моддаси, виждонини йўқотган аёл-

нинг ички органларидан эса 12 та капсулага яширилган 88 грамм наша топилади.

Олиб борилган тезкор суриштирув давомида, гумонланувчилар жами 198 грамм гиёҳванд моддани душанбелик 55 яшар огуфу-

руш Ҳожиакбар исмли шахсдан 700 АҚШ долларига сотиб олганларини, кейин эса Кўргонтепа шаҳрининг "Рамз" меҳмонхонасида капсулаларни хуфиёна равишда ютганларини тан олдилар.

Қўлга тушганларнинг айтишларича, бу кимса билан улар анча вақтдан бери олди-берди қилиб юришган. Ўз навбатида, Ҳожиакбар ўзини "Душанбе – Кўргонтепа" йўналиши бўйича йўловчи ташиш билан шуғулланувчи шахс, деб таништирган.

Халқимизнинг "Қил-



миш – қидирмиш" деган нақли беҳиз айтилмаган. Инсонларни заҳарлаб, мўмай даромад топаман, деган кимсалар, албатта, жиноятларига яраша жавоб берадилар.

Ҳамидулла
РИХСИТЛЛАЕВ

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Бекобод шаҳри, Аббасов кўчаси, 264-уйда жойлашган "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Бекобод филиали ҳудудида "Ошхона қурилиши" бўйича корхоналар ўртасида

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танлов ўтказиш тартиби ва шартлари тўғрисидаги батафсил маълумотни қуйидаги манзилдан олиш мумкин:

Бекобод шаҳри, Аббасов кўчаси, 264-уй. Тел.: (0-370) 214-21-46.

Ишларни бажариш қиймати ва аниқ муддатлари кўрсатилган тижорат таклифлари алоҳида конвертга жойланган ва корхона муҳри билан тасдиқланган ҳолда эълон чиққан санадан бошлаб, 7 кун муддат ичида қабул қилинади.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 14 август кунини Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдирик бўлиши мумкин. Фарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Шамолнинг тезлиги секундига 15-20 метргача кучайиши мумкин. Кечаси 12-20, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади.

Республикамизнинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдирик бўлиши мумкин. Фарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Баъзи жойларда шамолнинг тезлиги секундига 15-20 метргача кучайиши мумкин. Кечаси 12-17, кундузи 15-20 даража иссиқ бўлади.

ХУРМАТЛИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАР!

Тошкент вилояти Молия Бош бошқармаси томонидан 2019 йил 12 августда тасдиқланган ва №ТВ-08-11-14-2019/2-сонли РЕЕСТРига асосланиб, Ангрен шаҳар "Kommunal xizmat ko'rsatish" davlat korxonasi маъмурияти 2019 йил 27 августдан Ангрен шаҳар Нуробод шаҳарчасидаги аҳоли, бюджет ва бошқа улгуржи ташкилотларга етказиб берилаётган коммунал хизматлари нархи (КҚСсиз) ошганлигини маълум қилади.

Ичимлик суви:		
аҳолига	- 1 м3	- 186 сўм
	- 1 киши/ойига	- 2232 сўм
бюджет ташкилот улгуржи ташкилотларга	- 1 м3	- 248 сўм
	- 1 м3	- 272 сўм
Оқова хизмати		
аҳолига	- 1 м3	- 457 сўм
	- 1 киши/ойига	- 7129,20 сўм

Изоҳ:

1. Ҳисоблагич асбоби йўқ истеъмолчиларга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 6 ноябрь №300-сонли "Республиканинг иссиқлик ва сув таъминоти ташкилотларини молиявий соғломлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ҳамда Тошкент вилояти ҳокимининг 2015 йил 18 майдаги 151-сонли қарорининг ижроси қўлланади.

2. 2019 йил 27августдан иссиқлик энергияси, ичимлик суви ва оқова нархлари ўзгарганлиги сабабли 2019 йил 19 апрелдан кучга кирган иссиқлик энергияси ҳамда 2018 йил 2 декабрдан кучга кирган ичимлик суви ва оқова хизмати тарифлари ўз кучини йўқотади.

бюджет ташкилот учун улгуржи ташкилот учун	- 1 м3	- 755 сўм
	- 1 м3	- 2299 сўм
Иссиқлик энергияси		
бюджет ва улгуржи ташкилотларга	- 1 Гкал	- 130558 сўм
аҳолига	- 1 Гкал	- 39183 сўм
иссиқ сув	- 1 м3	- 2155 сўм
	- 1 киши/ойига	- 7989 сўм
иссиқлик тармоғи	- 1 м2/ойига	- 830 сўм

Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!

Туманда кейинги пайтларда пахта ва ипакни қайта ишлайдиган корхоналар сони кўпаймоқда. Эндиликда ушбу корхоналарга тўқувчи ва тикувчилик касбини эгаллаган ёшлар сув билан ҳаводек зарур бўлади.

ХУШҲАБАРНИНГ ҚАНОТИ БОР

Бунинг ҳам йўли топилди. Дастлаб, Эшонабод ҳудудида хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази томонидан 100 нафар қиз ва аёллар қишлоқнинг ўзида, уйларига яқин жойда шароит яратилиб, чеварликка ўқитилди. Кувонарлиси, барча хотин-қизлар касб сирларини пухта эгаллашди. Уларга ўқув курсини муваффақиятли тугатганликлари ҳақида дипломлар топширилди. Тўғриси, касбга ўқитиш туманимизда анъанага



айланди. Ҳозирда туманимизда биронта корхона очилиши режалаштирилган бўлса, албатта, у ерда ёшларни, хотин-қизларни касбга ўқитишни бошлаб юбораямиз.

Асосий мақсадимиз – замонавий корхоналарни кўпайтириш орқали ёш қизларни иш билан таъминлаш, уларни қўллаб-қувватлаш ва бу орқали турмуш шароитларини яхшилашга қўмқолашдир. Эндиликда қишлоқларимизда ҳам бугунги кунда "ишсиз", деб юритилаётган хотин-қизларимиз худди шаҳарлардагидек мўъжаз ва қулай шароитларда, саноат тармоқларида меҳнат қилишмоқда.

Насиба ҚОРАБОВА,
Чиноз тумани ҳокими ўринбосари



"ОБОД ҚИШЛОҚ" ВА "ОБОД МАҲАЛЛА"

ДАСТУРЛАРИ ИЖРОСИ ДОИРАСИДА:

Дастурга 2 минг 430 та аҳоли хонадонлари қамраб олинди.

13 км. пиёдалар йўлакларини қурилди, 90 км. ирригация ҳамда 6 км. электр тармоқлари тортилди, 145 дона кўча ёритиш устунлари ўрнатилди.

22 км. ичимлик суви, 46 км. электр узатиш, 47 км. табиий газ тармоқлари ишга туширилди.

38 км. йўл мукамал ҳамда 11 км. йўл жорий таъмирланди.

Сирасини айтганда, Чиноз ва чинозликлар ҳаётига Истиқлол янги бир нафас олиб келди. Туманимиз замонавий саноат, қишлоқ хўжалиги, илм-фан, таълим, маданият ва соғлиқни сақлаш соҳаларида барқарор юксалиш йўлига кирди. Унинг қиёфаси йилдан-йилга ўзгармоқда, янги шукуҳ топмоқда. Буларнинг барчаси мустақиллик шарофати, у берган имконият, деб биламиз.

ЮРТ ЮКИНИ КЎТАРГАНЛАР КАМ БЎЛМАЙДИ

Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, Президентимизнинг вилоятимизга қилган ташрифидан сўнг, катта ўзгаришлар фасли

да, ҳали кўнглимиз тўлмаётгани рост.

"Ҳар бир оила – тадбиркор" дастури доирасида, энг авва-

ЧИНОЗ ТУМАНИ:

бошланди. Аҳоли соғлиғини муҳофаза этиш, ёш авлод камолоти йўлидаги ғамхўрликларни оласизми, тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёжни қондириш борасидаги ҳаракатларни айтасизми – буларнинг барчаси оддий одамларнинг турмуш фаровонлиги йўлида янги уфқлар очмоқда. Томорқаларга бўлган эътибор янада кучайди. Энг муҳими, одамларимизнинг меҳнатга ва ундан келадиган манфаатдорликка бўлган муносабати ўзгариб бораётир.

Ўзига хос табиий иқлим шароитида деҳқонларимиз қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштирган ҳолда, пахта, дон, пилла ва бошқа экинлар етиштириш ва уни сотиш борасида сезиларли муваффақиятларга эришяптилар. Кейинги йилларда туманимизда деҳқончилик маданияти кескин ошди, ерга эгалик ҳисси кучайди, деҳқонга эркинлик берилди. Қишлоқ хўжалигида чет эл техникаси ва технологияси жорий этиляпти. Мелиорация, суғориш ишларида эътибор кучайди. Чорвачиликда ҳам аҳвол бирмунча ўнғиланаётган бўлса-

ло, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш бўйича жорий йилнинг олти ойи давомида тижорат банклари томонидан амалга оширилган 619 лойиҳага салкам 10 миллиард 600 миллион сўм маблағ жалб этилди. Айтмоқчиманки, ушбу маблағларнинг салкам ярми 292 та лойиҳага – чорвачиликни ривожлантиришга йўналтирилди.

Бугунги кун ўзимизда ишлаб чиқаришни ривожлантиришни талаб қилмоқда. Бу борада "Соҳибкор", "Ахиллик", "Нафис" сингари қатор маҳалла фуқаролар йиғинлари аҳолиси бирмунча илгариллаб кетди. Аммо, "Шалолла", "Каналобод" каби қатор ҳудудларда ислохотлар анча суст бораётгани чуқур ташвишга солади. Бу жойларда қўшма корхоналар ташкил этиш, аҳолини иш билан таъминлаш ҳамон қониқарсиз



Сўнгги икки йилда туманда саноат маҳсулотлари 17 фоизга, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 7,5 фоизга, чакана савдо айланмаси 18 фоизга ўсди. Бунда трикотаж маҳсулотлари тайёрлаётган "Chinzara", болалар велосипедлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган "Jufu", ун ва макарон маҳсулотларини қайта ишлаётган "Ашраф Рамазон", "Роял мега мелли" ҳамда сантехника буюмлари ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган "Грант арт керамика" сингари қўшма корхоналарнинг улуши катта бўлмоқда.

ЭКСПОРТ – ИҚТИСОДИЁТ ТАЯНЧИ



Ушбу корхоналарда тайёрланаётган маҳсулотларнинг асосий қисми хорижда экспорт қилинмоқда. Таққослаб кўрсак, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан тумандаги жами 8 та қўшма корхонанинг экспорт ҳажми салкам уч барабарга ошган. Кўриниб турибдики, қўшма корхоналар самардорлигини ошириш йўлида жиддий ўзгаришларга эришилмоқда.

Пахта хом ашёсини қайта ишлашга ихтисослашган, ойига 7 миллион дона, 80 турга яқин болалар ва катталар трикотаж маҳсулотлари тайёрлаётган Ўзбекистон-Хитой "Chinzara" қўшма корхонасининг ишга тушгани тумanning катта ютуғи бўлди. Сабаби, туманда етиштирилаётган пахтанинг маълум қисми шу ерда

қайта ишланади. Бундай иқтисодий самарадор корхоналар кўпайса, қайсидир хориждаги "воситачи" толани пуллаб, мўмай даромадга эга бўлмайди. Қолаверса, воситачида қоладиган пул деҳқонга ўтади, юзлаб инсонлар бандлиги таъминланади. Бу эса туман иқтисодий салоҳиятини кўтаришга хизмат қилади.

Саҳифани «Тошкент ҳақиқати» мухбирлари Маъмуржон ҚИЁМОВ ва Мансур ХИММАТОВ (суратлар) тайёрлади

Бугуннинг ёшлари

СЕНИ СОФИНАМАН, ЧИНОЗИМ!

Туманимиздаги 1-сонли умумтаълим мактабида, сўнггра хизмат кўрсатиш ва иқтисодиёт касбхунара коллежида ўқиб юрган кезларимда хитой ва инглиз тилларини пухта ўргандим.

Таълим муассасасини аёло баҳоларга битириб, Индонезиянинг Иқтисод-молия институтига грант асосида талабалikka қабул қилиндим. Ушбу нуфузли институтида таълим олиш бахтига муяссар бўлганим ота-онам учун ҳам чинакам қувонч, гурур эканлигини англадим. Мана, бу олийгоҳда иқтисод ва молия соҳаси ихтисослигини эгаллаш учун жаҳоннинг кўплаб мамлакатларидан келган ёшлар билан бирга ўқиямман.

Институтида замонавий билимларни пухта эгаллашимиз, яхши дам олишимиз учун ҳамма шароитлар яратилган. Шундай бўлсада, жонажон юртим Ўзбекистонини, болалигимга бешик бўлган Чинозни, тез-тез соғинаман. Юрт меҳри нақадар кучлигини хорижда яшаган киши янада чуқурроқ ҳис этаркан.

Насиб этса, кейинги йили ўқув дастурини тугатиб, она-юртимга қайтаман. Малакали мутахассис сифатида мамлакатимиз тараққиёти йўлида сидқидилдан меҳнат қиламан. Биз ёшлардан Ватанимиз худди шуни кутаяпти.

Азизбек АБДУРАҲИМОВ,
Индонезиянинг Иқтисод-молия институти талабаси



АЗИМ ДАРЁЛАРДАН СУВ ИЧГАН МАКОН



аҳволда. Туман ҳокимлиги бу камчиликларни бартараф этиш борасида қатъий чоралар кўрмоқда. Ишончимиз комилки, Чиноз яқин орада қаддини янада баландроқ кўтаради. Бунинг учун барча имкониятлар бор, режаларимиз тайин.

Дарвоқе, туманимизда китобга меҳр қўйган ёшлар, бўш вақтида газета ва журналлар ўқишга иштиёқманд кишилар кўп. Билими, дунёқараши кенг кадрлар етарли. Республика "Маънавият ва маърифат" марказининг туман бўлими томо-

нидан амалга оширилаётган ибратли иш услуби, кадрлар заҳираси, ўз ишига жонқуярлик билан ёндашаётган мутахассислар ташаббуси, қолаверса, тумандаги ҳамжиҳатлик муҳити галдаги йилдаёқ ўз ижобий самарасини беради, деб ўйлаймиз. Хуллас, истиқлолимизнинг 28 йиллик тўйига катта режалар, улкан мақсад ва умидлар, муносиб меҳнат ютуқлари билан бораёямиз.

Акмалхон МАДИЕВ,
Чиноз тумани ҳокими

"ҲАР БИР ОИЛА – ТАДБИРКОР" ДАСТУРИ ИЖРОСИ ДОИРАСИДА:

- Жорий йилнинг ўтган олти ойи ичида 762 та янги иш ўринлари яратилди.
- 619 та лойиҳа тасдиқланди ва амалга оширилди.
- 10 миллиард 529 миллион сўм миқдоридagi имтиёзли кредит маблағлари ўзлаштирилди.
- Ҳар бир лойиҳага ўртача 17 миллион сўмдан тўғри келди.



Ислохот ва масъулият



ТАНТАНАГА ТАРАДДУД

Айни дамда юртимизнинг барча гўшаларида бўлаётгани каби, туманимизда ҳам Истиқлол шо-дённаларини кўтаринки қайфиятда қарши олишга ҳар томонлама қизгин ҳозирлик кўришмоқда.

Бугун кимнинг йўли Чинозга тушса, нафақат мисли кўрилмаган бунёдкорлик, ободлик, қишлоқларнинг қиёфаси тубдан ўзгараётгани, балки одамларнинг ҳаёти фаровонлашиб бораётганига гувоҳ бўлади. Оилаларнинг даромадлари йилдан-йилга кўпайиб, яшаш сифати юксалиб бораётгани деярли ҳар бир хонадон, маҳалла, қишлоқ мисолида кўриниб турибди. Одамлар ҳаётдан мамнун бўлиб, яратиш, бунёдкорлик завқи билан яшамоқда.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир

Файрат ШЕРАЛИЕВ

Манзиллими:

111500, Нурафшон шаҳри,
Тошкент йўли кўчаси, 90.

Тошкент шаҳридаги

офисимиз:

100000, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Телефонлар:

(71) 233-64-95, (71) 233-58-85 (факс)

(71) 233-70-10

(71) 233-90-82

(71) 233-38-23, (71) 233-48-08

(71) 233-65-59, (71) 233-54-10

Қабулхона:

Бош муҳаррир ўринбосари:

Масъул котиб:

Бўлим муҳаррирлари:

Эълонлар ва ҳисоб-китоб бўлими:

Электрон почталар: thaqiqat@umail.uz

thp@inbox.ru

Тошкент вилояти
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар бошқармасида
2011 йил 12 январда 03-001 рақами
билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахририяти компьютер марказида
терийли ва Тоҳир Маҳмуджоев
томонидан саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир

Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА

Назоратчи мусоҳиҳ

Аллома АЗИЗОВА

Навбатчи

Ҳуломжон МИРАҲМЕДОВ